



ХАЛҚАРО СТАНДАРТ ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚ ХОМ ИПАК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Т,ф,ф,д к.и.х. - У.О. Ахунбабаев

Ўзбекистон табиий толалар илмий тадқиқот

Институти (Ўзбекистан, Маргилан)

Ж.Х. Умаралиев

Андижон машинасозлик институти магистри

Мазкур мақолада замонавий пилла чувиш дастгохларида хом ипак ишлаб чиқаришда махсулот сифатини 4А-3А навларига олиб чиқиш ва жаҳон бозорида уни юқори нархларга сотиш хисобига иқтисодий самарадорликни ошириш масалалари келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 04 декабрдаги “Республикада пиллачилик тармоғини жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” 4047-сонли қарорида пилла етиштириш ва уни қайта ишлаш жараёнига замонавий ва инновацион технологияларни жорий этиш, илмий ишланмалар ва илм фан ютуқларини кенг жорий этиш ва рақобатбардош тайёр ипак махсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни янада қўллаб-қувватлаш вазифалари топширилган. Ҳозирги кунда мамлакатимизпиллачилик саноати корхоналари унумдор рақамлаштирилгантехнологик жиҳозлари ва лабораториялари аниқлиги юқоридаражадагисинов ва ўлчов воситаларитаъминланганлиги юқори сифатли хом ипакни олиш имкониятини яратамоқда. Пилла етиштириш ва хом ипак ишлаб чиқариш соҳаси - кўп меҳнат ва ишчи кучи талаб қиладиган тармоқларидан биридир.

Дунё бозорида Хитой (130 000 тн ёки 80,9 %), Ҳиндистон (26 500 тн, 16,5 %), Ўзбекистонга эса учинчи давлат сифатида 1,2 % (1900 тн) хом ипак ишлаб чиқариштўғри келади [1]. Жаҳон бозорида хом ипакка бўлган талаб юқори бўлиб, 2022 йилга келиб 1 kg хом ипакнинг нархи 50,5 АҚШ долларни ташкил этди. Бу нарх 3-А даражали хом ипакка таълуқли бўлиб, O‘z DSt 3313’:2018 “Хом ипак. Техникавий шартлар” стандартида бу талаб ўрнатилган. Стандартга мос равишда етгита даража куйидаги тартибда қабул қилинган 4-А, 3-А, 2-А, А, В, С, Д (энг юқориси -4А, куйиси –Д).

Ишлаб чиқариш технологик жиҳозларини рақамлаштирилганлигиниюқори даражаси қарамай махсулотларнинг сифат



самарадорлиги кутилгандан паст натижани кўрсатмоқда. 3А даражалили хом ипак ишлаб чиқариш умумий маҳсулот ишлаб чиқариш хажми 10 %ни ташкил этмоқда, шунингдек 1 kg хом ипак ишлаб чиқариш учун сарфланадиган пиллани солиштира сарфланиши юқорилигидир. Айтиқса пиллачилик саноатида хом ашёдан оқилона фойдаланиш, халқаро стандартлар ва меъёрий талабларига жавоб берувчи 3А даражали хом ипак ишлаб чиқариш долзарб вазифалардан биридир.

“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси топшириғига асосан Ўзбекистон табиий толалар илмий тадқиқот институти мутахассислари томонидан O`zDSt 3313:2018 Хом ипак. Техникавий шартлар. Давлат стандарти ишлаб чиқилди[2].Мазкур стандарт бир неча дона пилла ипакларини бирлаштириб чувиб олишдан ҳосил бўлган чизиқлик зичликли (1,56; 1,89;2,33; 3,23; 3,85; 4,65; 10,75; 13,33 ва 16,60)tex ли хом ипакларга талаблар ўрнатган. Уни талаблари мажбурий бўлиб, маҳсулот сертификатлаштирилиши мумкин.

Пилла тўла чувилишига эришиш учун серицин қобиғига қайноқ сув ёки буғ билан ишлов бериб, йўқотишлар олди олинади, яъни охиригача чувиш имконияти яратилиб пилла ипининг узунлиги оширилди [3-5].

Мазкур ишдан кутилаётган натижалар қуйидагича:

- пилла қобиғига кенг ҳарорат оралиғида дағи сув ва буғнинг таъсир қилиш механизми ўрганилади. Бунда пилла қобиғининг қалинлиги ва сиртки қисми бўйича бир меъёردа буғланишига алоҳида эътибор берилади;

- пилла қобиғининг бир меъёрдa буғланишига таъсир этувчи омил (фактор)лар ўрганилади, бу жараёнга ҳар бир омилнинг таъсири аниқланади;

- пилланингбуғланишдаражасимезонлаританланади;

- пиллабуғланишинингоптималмезонлаританланади;

- хом ипак сифатини яхшилаш учун пиллакашлик корхоналаридаги барча технологик дастгоҳларни техник ҳолатини ўрганиб таҳлил этиш зарур бўлади;

- пилла хом ашё сарфи ва ишлаб чиқарилган маҳсулот сифат кўрсаткичларига таъсир этиш сабабларини аниқланган [6];

- сифатли хом ипак ишлаб чиқариш учун технологик карта ишлаб чиқилади ва нашр этириш ва ипакчилик корхоналарига тарқатиш. Шунинг ёритинг мақола булади шунда.

Пилла буғлаш дастгоҳларининг ишлаш жараёнидаги техник параметрларини, автоматик пилла чувишда ишлаб чиқарилган хом ипакни Технологик картага мослигини ўрганиб чиқилади ва ҳулоса берилади.

Тадқиқот якунида унинг натижалари пиллачилик корхоналарида жорий этиш режалаштирилган.

Жадвал

2 – тоифали хом ипак учун таснифлаш жадвали

Белгилари	Нави						
	4A	3A	2A	A	B	C	D
Ўзиқлик зичлик бўйича оғиш (tex) 2,33 3,23	0,13 0,14	0,15 0,18	0,18 0,21	0,22 0,25	0,25 0,22	0,28 0,31	0,28 дан ортиқ 0,31 дан ортиқ
Нотекислик 1	150	170	190	210	230	250	250 дан ортиқ
Нотекислик 2	10	17	26	37	47	60	60 дан ортиқ
Йирик нуқсонлардан тозалиги % ҳисобида, камида	97	95	93	88	86	84	84 дан кам
Майда нуқсонларда тозалиги, %ҳисобида, камида	94	92	90	87	85	82	82 дан кам
Энг ёмон тозалик, %, камида	90	87	83	77	75	70	70 дан кам
Энг кўп оғиш (tex) 2,33 3,23	0,35 0,42	0,40 0,45	0,48 0,57	0,60 0,69	0,70 0,64	0,78 0,76	0,78 дан ортиқ 0,76 дан ортиқ
Белгилари	Синфи						
	(1)	(2)	(3)	(4)	(5)	(6)	(7)
Нотекислик 3	0	1	2	6	9	10	13 дан ортиқ
Белгилари	Синфи						
	(1)	(2)	(3)	(4)	(5)	(6)	(6)
Қайта ўраш қобилияти, узулишлар сони	4	10	18	25	35	35	35 дан ортиқ
Белгилари	Синфи						
	(1)			(2)			
Нисбий узувчи куч, cN/tex	30 ва ундан юқори			30 дан кам			
Нисбий узулишдаги чўзилиш, (%)	18 ва ундан юқори			18 дан кам			
Жипислиги, кареткани юриш сони	60 ва ундан юқори			60 дан кам			

Режалаштирилган вазифалар Ўзбекистон табиий толалар илмий тадқиқот институти ва пиллакашлик корхоналарида олиб борилади.





Хулоса

-3А синфга мансуб хом ипак ишлаб чиқариш хисобига унумдорлиги 1,5 % га ошади, пилла чувиш дастгохининг иш унумдорлиги 8 % ошади. -пилладан хом ипак ишлаб чиқариш хажми ошади шунга кўра хом ашё пилла сарфи камаяди;

- юқори сифатли ипаклик мато, жаррохлик ипаги ва тиббиёт ипак докаси ишлаб чиқариш хисобига иқтисодий самарадорликка эришилади;

- хом ипак сифати яхшиланади, ипак махсулотлари экспорт хажми ошади.

Адабиётлар

1. www.inserco.org International Sericultural Comission. – интернетсайти.
2. O`zDSt 3313:2018 “Хом ипак Техникавий шартлар”. Т. 83-бет
3. Ахунбабаев У.О. Новый способ решения проблемы выработки высококачественного шелка-сырца. РГУ им. А.Н.Косигина (Технологии. Дизайн. Искусство) Международная научная конференция, посвященная 110 летию со дня рождения профессора А.Г.Севостьянова. - Москва 2020г. Часть 2 - 51-55 с.
4. Алимова Х.А., Гуломов А.Э., Кобулова Н.Ж. Основы производства высококачественного шелка-сырца из живых коконов // Ж.Проблемы текстиля-2006. - № 2. – 62с.
5. Усманова Ш.А., Гуламов А.Э., Алимова Х.А. Корабельников А.В. Влияние скорости размотки и обрывности коконной нити на качество шелка-сырца // Проблемы текстиля. – Ташкент-2008. - № 1. – 39-42с.
6. Azimov, S., & Shirinboyev, M. (2022). DEVELOPMENT OF TECHNOLOGY FOR CREATING POLYMERIC COMPOSITE MATERIALS BASED ON POLYVINYLIDENFLUORIDE AND DISPERSED FILLERS. *Евразийский журнал академических исследований*, 2(13), 828-835.
7. Гуламов А.Э. Совершенствование технологии размотки новых местных гибридов коконов и получение шелка-сырца высокого качества. Дисс..д.т.н. – Ташкент. – 2016. – 193 с.